



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ Қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2024 йил 23 февраль, № 40 (8663)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



АВИАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ Кўриб чиқилди

Президент Шавкат Мирзиёев 22 февраль куни авиация соҳасидаги давлат корхоналари трансформацияси бўйича тақдимот билан танишди.

Сўнгги йилларда авиация хизматлари бозорига хусусий секторга кенг йўл очилди. Авиакомпаниялар сони 15 тага, жумладан, хусусийлари 10 тага етди. Ўтган йилнинг ўзига 28 та янги самолёт олиб келинди. Буларнинг натижасида охириг етти йилда рейслар 2 баробар кўпайган. Самарқанд аэропорти хусусий шерикликка берилгани ҳисобига йўловчи оқими 4 қарра ошиб, 1 миллионга етган.

Шунга қарамаддан ўтган йили авиация хизматлари ҳажми бор-йўғи 11,6 фоиз ўсган. Мамакатимиз стратегиясида 2030 йилга қадар авиақатновлар сонини 4 қарра ошириш режалаштирилган. Унга эришиш учун соҳада йиллик ўсиш суръатлари 20 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

Бу инфратузилма, бошқарув, нарх ва сифат борасида тизимли ишларни талаб этади. Юртимизда авиачипталар нархи нисбатан қиммат. Ҳам ҳудудий, ҳам хорижий рейслар сони талабга қараганда кам. Парвозларнинг асосий қисми ҳалигача Тошкент ва Самарқанд аэропортларига тўғри келади. Аэропортларда ҳаво кемалари ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш имкониятлари чекланган, қўшимча хизматлардан даромад жами тушумнинг бор-йўғи 7 фоизини ташкил қилади. Тошкент, Навоий, Наманган аэропортлари транзит салоҳияти тўлиқ ишга солинмаётган.

Тақдимотда “Uzbekistan Airways” ва “Uzbekistan Airports” акциядорлик жамиятларида трансформация жараёнларини тезлаштириш,

хизмат турлари ва даромадни кўпайтириш бўйича жорий йилги режалар баён қилинди.

Хусусан, миллий авиакомпанияга халқаро кредит рейтингини олиб, уни “IPO”га чиқариш жараёни бошланади. Бухоро, Наманган, Урганч ва Андижон аэропортлари хусусий бошқарувга берилиб, модернизация қилинади. Жорий йилда рейслар сони 20 фоизга оширилади.

Соҳада харажатларни 20 фоизга қисқартириш чоралари кўрилади. Ёниги сарфи юқори бўлган эски самолётлар сотилиб, замонавий ва тежамкор ҳаво кемалари олиб келинади. 72 та йўналиш бўйича оптимал парвозлар маршрутини танлаш орқали ёниги сарфи сезиларли қамийтирилади. Фойдаланилмаётган

ва даромад келтирмаётган активлар сотувга чиқарилади.

Мутасаддиларга харажатларни қисқартириш дастурини тасдиқлаб, хизматлар рақобатдошлигини ошириш, хусусий шериклик лойиҳаларини тезлаштириш бўйича топшириқлар берилди. Аэропортларда қўшимча хизматларни кўпайтириш, Навоий аэропортида самолётларга техник хизмат кўрсатишни ривожлантириб, унинг салоҳиятини тўлиқ ишга солиш зарурлиги таъкидланди.

Давлат авиакомпанияларига хорижий малакали мутахассисларни жалб қилиш, шунингдек, кадрлар тайёрлашни яхшилаш масалалари ҳам айтиб ўтилди.

IT-ХИЗМАТЛАР ЭКСПОРТИНИ ОШИРИШ Бўйича ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМОТ Қилинди

Президент Шавкат Мирзиёев 22 февраль куни IT-хизматлар инфратузилмаси ва экспортини ривожлантиришга оид таклифлар тақдими билан танишди.

Бу ҳақда ўтган йили 20 декабрь куни Рақамли технологиялар вазирлигида бўлган видеоселектор йиғилишида топшириқ берилган эди.

Ҳозирги кунда IT-парк резидентлари сони 1 минг 700 тага етиб, уларда 26 минг нафар ходим фаолият кўрсатмоқда. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида резидентлар сонини 10 баробар ошириб, улардаги иш ўринларини 100 мингга етказиш, соҳада экспорт ҳажминини 5 миллиард долларга олиб чиқиш белгиланган.

Шу мақсадда ҳудудларга IT-экспортчи ташкилотларни кенг жалб қилишга қаратилган “Zero Risk” дастурини қўллаш таклиф этилмоқда. Бу дастурда иштирок этувчи корхоналарга IT-парк тавсиянома-си асосида бўш турган давлат бинолари 1 йилгача

муддатга текин фойдаланишга берилади. Бу муддат тугагач, тўғридан-тўғри шартнома тузилади. IT-парк томонидан техника ва жиҳозлар 1 йилгача муддатга текин фойдаланишга берилади.

Бу корхоналар фаолиятини ривожлантириши учун ҳам қатор имтиёзлар назарда тутилмоқда. Жумладан, ушбу дастур бўйича корхоналарга ходимларни ишга олиш ва малакасини ошириш харажатлари 50 фоизгача қўллаб берилади.

Маҳаллий IT-компанияларни халқаро миқёсга олиб чиқиш бўйича “Local to Global” лойиҳаси амалга оширилади. Унга кўра маҳаллий IT-компанияларнинг жаҳон бозорига чиқиши, халқаро кўргазмаларда қатнашиши, хорижий экспертларни таклиф этилишида хара-

жатларнинг 50 фоизгача қисми қўллаб берилади.

Тақдимотда “рақамли инклюзивлик” лойиҳасини амалга ошириш бўйича ҳам ахборот берилди. Ёшлар, аёллар ва ногиронлиги бўлган шахсларда IT-хизматлар кўрсатиш кўникмалари шакллантирилади. Натижада 9 мингта иш ўрни яратилиши, жумладан, 5 мингта яқин аёллар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлиги таъминланиши мўлжалланган.

Умуман, “рақамли инклюзивлик” лойиҳаси натижасида 25 минг нафар шахсни иш билан таъминлаш ҳисоб-китоб қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, қўшимча кўрсатмалар берди.

Ў.А.

Шарқ донишмандлари айтганидек, «Энг катта бойлик — бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — бу билимсизликдир!» Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётини эҳтиёжга айланиши керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҚАЛБЛАРНИ ЁРИТГАН ЧИРОҚ

Ана шу эҳтиёжни пайдо қилувчи ва уни шакллантирувчи нарсалар, шуҳасиз, китобдир. Китоб — инсоннинг энг яқин дўсти ва маслаҳатчиси, ақл қайроғи, билим манбаи. Фикрлаш қуроли, хазиналар қалити, тафаккур чироғи бўлгани учун ҳам халқимиз уни нондай азиз, мўътабар ва муқаддас билади. Шунинг учун китобга муҳаббат, уни қадрлаш, ўқишга иштиёқ халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган.

Аввалги даврларда кўнгил ёзиш, руҳни озиклантириш учун китобдан бошқа восита бўлмаган. Бугун эса вақтни чоғ ўтказишнинг минг бир усули кашф этилган эса-да, ҳали биронтаси китобнинг ўрнига даъвогарлик қилолаётгани йўқ. Бироқ бугунги кун-

да муталаа маданияти бир қадар сусайгандек. Чунки аксарият ёшлар кўпроқ компьютер ва ижтимоий тармоқларга боғланиб, китоб деган улуг мураббийнинг кўчасидан ўтмай қўйишди.

Бугун инсон ўзини қизиқтирган исталган ян-

гилигу ахборотни бир зумда олиши, компьютер ёки телефон қаршида соат-лаб ўтириши мумкин, аммо китоб ўқиш учун биров вақт сарфлашга эринишади. Аслида ҳеч бир ахборот воситаси, кино ёки видеофильм баддий асар ўрнини босол-

майди. Масалан, “Ўткан кунлар” романи асосида ишланган фильм қанчалик маҳорат билан суратга олинган бўлмасин, китобнинг таъсири, жозибасини беролмайди.

Халқимиз азалдан маънавиятга ошувга бўлгани учун унинг тил хазинасида китоб ва у берувчи билим билан боғлиқ дурлар етарли. Жумладан, “Китобсиз ақл — қанотсиз қуш”, “Гўзаллик — илму маърифат билан”, “Илм бахт келтирар, билим тахт келтирар”, “Хунар — оқар булоқ, илм — ёнар чироқ”, “Бахт белгиси — билим”, “Билим — ақл чироғи”, “Бешикдан қабргача билим изла”, “Олтин олма, билим ол, билим олсанг, билиб ол” каби пурҳикмат мақол ва ҳикматли сўзларимиз борки, буларнинг бари бежиз айтилмаган.

Асосийси, неча асрлардан буён сайқалланиб, қанчадан-қанча авлодларга йўлчи юлдуздек тўғри йўлни кўрсатиб келаётган ана шу халқона хикमतлар негизидagi асл ҳақиқат шуки, инсоннинг билими, тарбияли, касб-хунарли ва албатта, бахтли ҳамда давлатли бўлишининг муҳим омил бу — китобга ошно бўлиш, муталаани умрбўйи қанда қилмаслик.

Китоб ўқиш инсон тафаккурини кенгайтиради, уни ҳаётга теран кўз билан қарашга ўргатади. Эътибор берган бўлсангиз, XXI асрнинг бошлари тарихга китобга муҳаббатнинг сўниши жараёни билан кирди. Сабаби кейинги вақтларда нафақат ёш авлод, балки катталар ҳам

интернет ва турли ижтимоий тармоқлар асирига айланиб, кўп китоб ўқимай қўйди.

Бугун Ватанимиз жадал ривожланаётган бир даврда муталаа ва китобхонлик маданиятини шакллантиришга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Чунончи, ёш авлоднинг ҳар томонлама шаклланишида муталаанинг ўрни бекиёслиги аниқланган ҳолда Президентимизнинг 2017 йил 12 январда “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб муталааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши қабул қилинди.

Бу ҳужжатда аҳолининг кенг қатламини китоб ўқишга жалб қилиш, китобхонлиқни тарғиб этиш,

фарзандларимизни боғча ёшидан бошлаб китобга меҳрли қилиб тарбиялаш, китоб маҳсулотларининг мазмунига эътибор бериш, уларни чоп этиш сифатини яхшилаш, турли мазмундаги асарлар билан тўлдирилган китоб дўконларини кўпайтириш, китоблар фонддини янада бойитиш кўзда тутилган.

Мамакатимизда Харажатлар стратегияси ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида жамият ҳаётида эзгу қадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтиришга, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда ҳамда баркамол шахсни тарбиялашда бекиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилган.



4

Биз ва жаҳон

ПАРЛАМЕНТИМИЗ ВАКИЛЛАРИ ХАЛҚАРО ТУЗИЛМАГА АЪЗО Бўлди

Маълумки, шу йилнинг 21 — 25 январь кунлари Ўзбекистон давлат органлари делегациясининг Қатар давлатига ташрифи қўнunchилик, суд-ҳуқуқ ва коррупцияга қарши курашиш йўналишларидаги амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадамлардан бўлган эди.

Эътиборлиси, ташриф доирасида парламентимиз вакилларини “GOPAC” (Global Organization of Parliamentarians Against Corruption) ташкилотига аъзо сифатида қабул қилиш масаласи расмийлаштирилганди.

Бу хусусда кеча АОКАда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ахборот хизмати раҳбари Шерзод Сапаров иштирокида коррупцияга қарши курашиш борасида халқаро ҳамкорлик доирасидаги иш-

лар юзасидан ташкил этилган брифингда баътафсил маълумот берилди.

Айтиш жоизки, “GOPAC” парламент аъзоларининг коррупцияга қарши глобал ташкилоти саналади.



3

Эътироф

ҲАМЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МУКОФОТИГА ЛОЙИҚ Кўрилди

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, академик Шўҳрат Сирожиiddинов Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг Тарих, маданият, адабиёт ва тасвирий санъат номинацияси бўйича 2023 йилги мукофоти соҳиби бўлди.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигида ушбу мукофоти Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари Одил Абдурахмонов тантанали равишда топширди.

Қайд этиш жоизки, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг 2023 йилги мукофо-

ти мазкур ташкилотга аъзо 10 та давлат вакиллари орасидан 9 нафар олимга насиб этди.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг йиллик мукофоти эътиборини илмий ва ижтимоий саъй-ҳаракатлари билан минтақа ривожига алоҳида ҳисса қўшаётган олимлар, давлат ва жамоат арбобларига топширилади.



4



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

«ЎЗБЕКИСТОН — 2030» СТРАТЕГИЯСИНИ
«ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ»ДА
АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3. Ёшлар ишлари агентлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг **экология, соғлом турмушни тарғиб қилиш** каби ижтимоий аҳамиятга молик **100 та волонтерлик лойиҳалари** бўйича биринчи босқичда базавий ҳисоблаш миқдорининг **200 бараваригача** маблағни танлов асосида **ажратиш** тартибини жорий этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

4. Ёшлар ўртасида тadbиркорликни кенг оммалаштириш ва бизнес билан шуғулланишга қўшимча имкониятларни яратиш мақсадида:

а) **оилавий тadbиркорлик дастури доирасида ажратилаётган кредитларнинг** камида **40 фоизи** ёшлар тadbиркорлигини ривожлантиришга йўналтирилсин;

б) **2024 йил 1 июндан бошлаб** қўйидагиларни назарда тутувчи **“Ёш тadbиркор” танловларини** ўтказиш амалиёти йўлга қўйилсин:

Ёшлар ишлари агентлиги томонидан танлов асосида **“маҳалла — туман — вилоят — республика” босқичларида** ёшларнинг истиқболли бизнес лойиҳа ва гоялари сараланади. Бунда **ногиронлиги бўлган ёш тadbиркорларнинг лойиҳа ва гояларига** алоҳида эътибор қаратилади;

республика босқичида саралашдан ўтган ҳар бир лойиҳага базавий ҳисоблаш миқдорининг **1000 бараваригача** миқдордаги имтиёзли кредитлар ажратилади;

ғолиб бўлган бизнес лойиҳа ва гоялар эгалари Ёш тadbиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан **хорижий давлатларга малака оширишга** юборилади.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб **Ёшлар ишлари агентлиги** (А.Саъдуллаев), **Савдо-саноат палатаси** (Д.Вахабов) ва **Ўзбекистон ногиронлар уюшмаси** белгилансин.

5. **2024 йил 1 мартдан бошлаб “Хар бир маҳалладан икки нафар дастурчи”** дастури жорий этилсин.

Бунда ушбу дастур доирасида:

маҳаллаларда ёшлар етакчилари томонидан маҳалла фаоллари иштирокида **ахборот технологиялари ва компьютер дастурлаш соҳасига қизиқувчи ёшлар** аниқланиб, уларни **инглиз ва бошқа хорижий тилларга** ўқитиш ҳамда **сертификатлар олиш**ини ташкил этиш, **сертификат олган ёшлар тўғрисида** маълумотларни Рақамли технологиялар вазирлигининг махсус ахборот тизими**га киритиб бориш** амалиёти жорий қилиниши;

Рақамли технологиялар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан махсус ахборот тизими**га киритилган ёшларни IT соҳасида фаолият юритаётган ташкилотларга йўналтириш** ва **ишга жойлаштиришга кўмаклашиш чоралари** қўрилиши белгилансин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб **Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси** (К.Куранбаев), **Ёшлар ишлари агентлиги** (А.Саъдуллаев), **Рақамли технологиялар вазирлиги** (Ш.Шерматов) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари белгилансин.

6. **2024 йил 1 мартдан бошлаб:**

“Ёшлар дафтери” жамғармаси маблағларини ёшларни **чет тиллари ва касб-хунарга ўқитиш мақсадларига йўналтириш** амалиёти йўлга қўйилсин;

ёшларни замонавий касбларга ўқитиш бўйича **“Устоз” махсус платформаси** ишга туширилсин ва дастлабки босқичда мазкур платформа орқали **250 минг нафар ёшлар қамраб олиниши** таъминлансин;

ёш хотин-қизларни тadbиркорлик, маркетинг, график-дизайн каби замонавий касбларга ўргатиш учун **“Қизлар академияси” платформаси** ишга туширилсин ва бу орқали ёш хотин-қизлар учун турли танлов, лойиҳалар, ўқув оромгоҳлари, стажировкалар ташкил этилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб **Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги** (Б.Мусоев), **Оила ва хотин-қизлар кўмитаси** (О.Парпибоева) ва **Ёшлар ишлари агентлиги** (А.Саъдуллаев) белгилансин.

7. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий омили сифатида **бизнес учун** янада қулай шароитларни яратиш мақсадида **“Бизнесни қўллаб-қувватлаш дастури”** доирасида **2024 йил якунига қадар:**

комплекс қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш орқали **2 миллион аҳолини бизнесга жалб қилиш;** **янги иш ўринларини** яратиш орқали **5 миллион аҳолининг бандлигини** таъминлаш учун зарур шароитлар яратилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъул этиб **Бош вазир ўринбосари — Ж.Қўчқоров** белгилансин.

8. **2024 йил 1 июлдан бошлаб нуфузли халқоро брендлар** билан ишлаб чиқаришни бошлаётган корхоналарга:

халқоро стандартларни жорий этиш ва экологик сертифициатлаш харажатларини қоплаб бериш тартиби жорий қилинсин;

уч йил давомида нуфузли халқоро брендлар остида ишлаб чиқариладиган махсулотлар учун зарур бўлган **барча хомашёлар** маҳаллийлаштириш даражасини камида **60 фоизга** етказиш шарти билан **божхона божидан озод** этилсин;

нуфузли халқоро брендлардан қилб қилинган **технолог, дизайнер, маркетинг** каби мутахассислардан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқнома берилганлиги учун **тўловлар ундирилиши** бекор қилинсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъул этиб **Савдо-саноат палатаси** (Д.Вахобов) ҳамда **Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги** (Л.Қудратов) белгилансин.

9. **2024 йил 1 майдан бошлаб** фуқаролар ва тadbиркорлик субъектлари учун **янги мажбурий тўловлар ва йиғимларни фақатгина қонунда белгилаш амалиёти** киритилсин.

10. Кенг жамоатчилик билан муҳокамаларда билдирилган тақлифлар асосида ишлаб чиқилган **“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини** “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури (кейинги ўринларда — Давлат дастури) доирасида қуйидагилар:

2024 йилга мўлжалланган йўналишлар кесимидаги амалий тadbирлар режалари 1—5-иловларга мувофиқ;

2024 йилда йўналишлар кесимида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхатлари 6—10-иловларга мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда **йўналишлар кесимида 2024 йилга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–300-сон қарори билан тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

11. **Хар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар** яратиш йўналиши доирасида 2024 йилда:

Президент ва иختисослаштирилган мактабларнинг билимларни **баҳолаш тизими** қўшимча **1000 та умумий ўрта таълим муассасаларида** жорий қилиниб, фанлардаги амалий машғулотлар улуши **60 фоизгача** оширилсин;

6,7 миллион нафар **40 ва ундан катта ёшдаги** аҳоли орасида **юрак-қон томир, қандли диабет, ўпканинг сурункали обструктив касалликлари** хавфини аниқлаш бўйича профилактика кўриклар ташкил этилсин;

7,5 минг нафар ёшлар **замонавий касбларга ўқитилиши**, халқаро имтиҳон тизимларида **чет тиллари** бўйича юқори балл олган **6 минг** нафар ёшларнинг имтиҳон харажатлари қоплаб берилиши таъминлансин;

10 миллион нафар аҳолини **югуриш, футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат, миллий ва белбоғли кураш** каби спорт турлари бўйича марафон ва мусобақаларни ташкил этиш орқали **оммавий спортга** жалб қилиш чоралари қўрилсин;

2024 йилда Париж шаҳрида ўтказиладиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этиш учун камида **140 та лицензияни қўлга киритиш** мақсадида **15 та** олимпия ва паралимпия марказида ҳамда **Тошкент шаҳри, Андихон ва Тошкент вилоятларидаги 14 та спорт базасида** барча зарур шароитлар яратилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб тегишинча **Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги** (Х.Умарова), **Соғлиқни сақлаш вазирлиги** (А.Худайров), **Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги** (Б.Мусаев), **Ёшлар ишлари агентлиги** (А.Саъдуллаев), **Спорт вазирлиги** (А.Икрамов), **Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси** (О.Қасимов), **Ўзбекистон Миллий паралимпия кўмитаси** (М.Ташходжаев) белгилансин.

12. Қуйидагилар:

а) **2024/2025 ўқув йилидан бошлаб:**

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг **1** тадан туманида (шаҳрида) синов тарикасида **“Менинг мактабим”** лойиҳаси амалга оширилсин ҳамда бунинг доирасида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мактабларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **150 баробарида** маблағ ажратилиб, ушбу маблағ 5—11-синф ўқувчилари танловига кўра **электрон доска, компьютер, спорт жиҳозлари, китоблар** каби мактаблар учун зарур товарларга сарфланиши белгилансин;

умумий ўрта таълим муассасалари **директорларини менежерлик бўйича сертифицициялаш тизими** жорий этилсин. Бунда **директорларга малакавий талаблар аниқ белгиланиб**, улар **ҳар беш йилда бир мартаба** аттестациядан ўтказилсин.

б) **2025 йил 1 январдан бошлаб** Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим муассасаларида **она тили ва адабиёт** ҳамда **тарих** фанлари бўйича Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг миллий баҳолаш тизимида олинган тегишли даражадаги сертификатга эга бўлган ва ушбу фанлардан **дарс берувчи педагог кадрларга уларнинг тариф ставкасига нисбатан 50 фоиз** миқдориди ҳар ойлик қўшимча устама тўланиши белгилансин;

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъул этиб **Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги** (Х.Умарова) белгилансин.

13. **2024 йил 1 сентябрдан бошлаб** Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тажриба-синов тарикасида **умумий ўрта таълим мактабларига олис ҳудудлардан катнайидиган ўқувчилар учун аутсорсинг асосида бепул автобуслар қатнови** йўлга қўйилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб **Қашқадарё вилояти ҳокимлиги** (М.Азимов) ва **Сурхондарё вилояти ҳокимлиги** (У.Қосимов) белгилансин.

14. **2024 йил якунига қадар** ахтиёждан келиб чиқиб вилоятлар марказлари, шунингдек, Тошкент ва Нукус шаҳарларида камида биттадан **оғир гематология, онкологик ва клиник иммунологик касалликлари** бор беморларга **палииатив ёрдам** кўрсатувчи **хоспислар** ташкил этилсин.

Бунда хосписларни ташкил этиш, уларнинг **моддий-техника базасини** мустаҳкамлаш ва фаолиятига **доимий кўмаклашиш** лойиҳалари учун Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан **грантлар эълон қилиб бориш амалиёти** йўлга қўйилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари** белгилансин.

15. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Худаяров):

а) **2024 йил 1 майга қадар:**

2025 йилдан бошлаб катта ёшдаги аҳоли орасида **юқумли бўлмаган касалликлар хавфли омилларининг тарқалганлигини** ўрганиш;

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова) билан биргаликда 2026 йилдан бошлаб ўтказиладиган мактаб ўқувчилари орасида **тамаки махсулотларини истеъмол қилишининг тарқалганлик** ҳамда уларнинг **психологик ҳолатини** ўрганиш бўйича режани белгилансин;

б) **2024 йил 1 декабрга қадар** Рақамли технологиялар вазирлиги (Ш.Шерматов) билан биргаликда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали соғлиқни сақлаш соҳасида қўрсатиладиган давлат хизматлари сонини **17** тадан **24 тага** етказсин ва бунинг доирасида фуқароларнинг **онкологик, кардиологик ва эндокринологик скринингдан** ўтиши натижаси, уларни даволаш учун ажратиладиган пуллар тўғрисида маълумот олиш имкониятини яратсин.

16. Ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

2024 йилда ногиронлиги бўлган шахсларни **замонавий протез-ортопедия** мосламалари ва **реабилитация қилиш техник воситалари** билан таъминлашнинг янги тизими босқичма-босқич жорий қилинсин;

2024 йил 1 сентябрдан бошлаб пенсия таъинлашда бир вақтнинг ўзида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақидида пулни олиш билан боғлиқ харажатларни **проактив тарзда амалга ошириш**, ногиронлиқни белгилашда эса, ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган **имтиёзлар тўғрисида хабардор қилиш** тартиби жорий этилсин;

2024 йил 1 декабрдан бошлаб ёлғиз яшаётган ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга Тошкент шаҳрида экспрессинг тарикасида тегишли йўналишдаги **нодавлат ташкилотлар орқали** Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги маблағлари ҳисобидан **ижтимоий хизматлар кўрсатиш** амалиёти йўлга қўйилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб **Спорт вазирлиги** (А.Икрамов), **Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси** (О.Қасимов) белгилансин.

17. **Оғир атлетика бўйича миллий спорт мактабининг халқаро нуфузини** ошириш мақсадида 2024 йилда оғир атлетика бўйича барча ёш тоифасидаги спортчилар билан **индивидуал ишлаш** тизимини яратиш ҳамда уларни **профессионал тайёргарлигини** ташкил этиш учун Чирчиқ шаҳрида **Оғир атлетика маркази** ташкил этилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб **Спорт вазирлиги** (А.Икрамов), **Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси** (О.Қасимов) белгилансин.

18. **Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш** йўналиши доирасида:

яппи ички маҳсулот ўсиш суръати **6** **фоиздан кам бўлмаган** даражада бўлишини, инвестициялар эса яппи ички маҳсулот ҳажимага нисбатан камида **30** **фоиз бўлишини** таъминлаш чоралари қўрилсин;

иқтисодиёт тармоқларида қиймати **18 миллиард** доллар бўлган **309 та йирик лойиҳалар** ишга туширилсин;

йиллик инфляцияга даражаси **9** **фоизгача** ва **фискал таъчиллик 4** **фоизгача бўлиши** таъминлансин, кейинчалик инфляция ва Давлат бюджети таъчиллиги кўрсаткичларини пасайтириш чоралари қўрилсин;

иқтисодиёт тармоқларига **275 триллион, 41м кредит ресурсларини** йўналтириш, шу жумладан, **сўм кредит сумўли микроолия хизматлари** кўрсатилиши таъминлансин;

банклар томонидан тақдим этиладиган **кредит ставкаларини бозор механизмлари асосида 2—3** **фоиз бандга пасайтириш** учун зарур шароитлар яратилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб **Бош вазир ўринбосари — Ж.Қўчқоров** ва **Марказий банк** (М.Нурмуратов) белгилансин.

19. **2024 йил 1 апрелдан бошлаб** давлат инвестиция дастурлари доирасида марказлашган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган йирик лойиҳаларга **саноат кооперацияси талаблари жорий** этилсин.

Бунда лойиҳалар доирасида маҳаллий корхоналарда **зарур махсулотларни ўзлаштириш ва харид қилиш тавсия этиладиган махсулотлар** рўйхати, маҳаллий **мутахассисларни жалб қилиш режаси** ва **уларга қўйиладиган талаблар** назарда тутилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб **Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги** (Л.Қудратов) ва **Иқтисодиёт ва молия вазирлиги** (Б.Ходжаев) белгилансин.

20. Республикада **“яшил иқтисодиёт”га** ўтиш учун қулай шароитларни яратиш ва **“яшил энергия”** манбалари салмогини ошириш мақсадида:

а) **2024 йил 1 апрелга қадар:**

“яшил энергия” сертификатлари айланмаси **бозор тамойиллари асосида** йўлга қўйилиши таъминлансин;

халқаро “иссиқхона гази” савдоси бўйича лойиҳаларни амалга ошириш тартиби тасдиқлансин;

б) **2024 йил 1 апрелдан бошлаб** иқлим ўзгариши соҳасида мониторинг, ҳисобот бериш ва текширишнинг замонавий тизими (MRV) ва маълумотлар базаси босқичма-босқич йўлга қўйилсин;

в) **2024 йил якунига қадар** хорижий инвесторлар иштирокида **Тошкент, Қашқадарё, Бухоро, Наманган ва Навоий** вилоятларида умумий қуввати **2 700 МВт** бўлган **6 та йирик қуёш электр станцияларини** ишга тушириш таъминлансин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб **Иқтисодиёт ва молия вазирлиги** (И.Норкулов) ва **Энергетика вазирлиги** (Ж.Мирзамухмудов) белгилансин.

21. Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ортиқов) **бир ой** мuddатда:

уч ойдан ортиқ мuddат мобайнида очиқ савдоларда сотилмаган **давлат активларининг бошланғич баҳосини 50** **фоизгача босқичма-босқич пасайтириш;**

ер учкасалари олти ой давомида сотилмаганди тўловнинг **15** **фоизини уч ой мuddатда, қолган қисмини 10 йил мuddатда бўлиб тўлаш** имкониятини яратиш бўйича амалий чораларни қўрсин.

22. **2024 йил 1 апрелдан бошлаб** чегара божхона постларида **мева-савзавот ва озиқ-овқат махсулотларини расмийлаштириш бўйича карантин, санитария-эпидемиология оосийшгалик ва ветеринария соҳаларидаги** назорат функциялари божхона хизмати органларига ўтказилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъул этиб **Божхона кўмитаси** (А.Мавлонов) белгилансин.

23. **Давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятида** очилик даражасини кескин ошириш ва **корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш** мақсадида **2024 йил 1 июлдан бошлаб** давлат улуши **50** **фоиз** ва ундан юқори бўлган йирик солиқ тўловчилар **корпоратив ижтимоий масъулият (CSR)** ҳамда **экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG)** ҳолати тўғрисида ҳар йили **1 июлга қадар** ҳисоботини **жамоатчиликка** ошкор этиш амалиёти йўлга қўйилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб **Иқтисодиёт ва молия вазирлиги** (Б.Ходжаев) ва **Давлат активларини бошқариш агентлиги** (А.Ортиқов) белгилансин.

24. **Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни** қўллаб-қувватлаш, **экспорт ҳажмини кўпайтириш** мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 октябрдаги **“Рақобатбардор махсулотлар ишлаб чиқариш**ини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5262-сон қарорида назарда тутилган махсулотларга импорт **божхона божининг ноль ставкасини қўллаш** мuddати **2027 йил 1 январга қадар** узайтирилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб **Иқтисодиёт ва молия вазирлиги** (А.Мавлонов) белгилансин.

25. **Сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналиши** доирасида:

2024 йилда **“Яшил макон” умумимиллий лойиҳаси** доирасида камида **200 миллион туپ манзарали ва мевали дарахт** ҳамда **бугалар қўчталарини, қаламчаларини** экиш, республикада **444 та яшил боғлар** барпо этиш;

2024 йил 1 мартага қадар сув каналларини реконструкция қилиш ишларига Давлат бюджетидан қўшимча ажратилган **500 миллиард сўм** маблағлар доирасида камида **1,5 минг километр** йирик каналларни бетонлаш ишларини якунлаш чоралари қўрилсин.

Мазкур банднинг тўлиқ, сифатли ва сўзсиз бажарилиши учун масъуллар этиб тегишинча **Бош вазир ўринбосари — А.Раматов, Сувўзбоғли вазирлиги** (Ш.Хамраев), **Ҳисоб палатаси** (А.Бобоев) ва **Иқтисодиёт ва молия вазирлиги** (И.Норкулов) белгилансин.

26. Мамлакатимизда чанг бўронларига қарши курашиш ва уларнинг салбий оқибатларини юмшатиш доирасида:

а)

ПАРЛАМЕНТИМИЗ ВАКИЛЛАРИ ХАЛҚАРО ТУЗИЛМАГА АЪЗО БЎЛДИ

Унинг асосий мақсади эса давлат бош-қарувида ҳалолликнинг юқори стандарт-ларини жорий этишда коррупцияга қарши қурашиш, шаффофлик ва ҳисобдорликни таъмин-лаш борасида амалдаги ҳамда собиқ парламент аъзолари, ҳукумат ва фуқаролик жамияти инсти-тутлари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ҳамда улар ўртасида ҳамкорликни янада кучайтириш-дан иборатдир.

Ҳозирги кунда бу тузилма таркибида бир нечта минтақавий ва ўнлаб маҳаллий бўлимлар бўлиб, жами аъзолари сони 1400 нафарни ташкил этади. Эндиликда миллий парламентимиз вакилларининг улар сафидан жой олгани эътиборга молик.

Маълумот ўрнида: мазкур ташкилот 2002 йил октябрь ойида Канаданинг Оттава шаҳрида коррупцияга қарши кураш ва сама-рали бошқарувни такомиллаштиришга ба-ғишланган 170 дан ортиқ парламент аъзо-лари ва 400 дан ортиқ қузатувчиларни бир-лаштирган Глобал конференция доирасида ташкил этилган.

«Халқ сўзи».



Ўрганиш

Видеокузатув камералари интеграцияси юқори баҳоланди

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ишчи гуруҳи ўрганишларини Сирдарё вилояти бўйлаб давом эттирмоқда.

Хусусан, Гулистон ша-ҳар ҳокимлигида ўтказил-ган йиғилишда ишчи гуруҳ аъзолари, ИИБ ходимлари, маҳаллий Кенгаш депутат-лари, жамоатчилик вакил-лари, масъул соҳа раҳбар-лари ва мутахассислар иштирокида вилоятда ҳуқуқбузарликларнинг ол-дини олиш билан боғлиқ муаммолар атрофлича тах-лил қилинди. Айни чоғда бу борадаги вазифалар юзасидан зарур тавсиялар берилди.

Бундан ташқари, ўрга-ниш давомида вилоятда жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича олиб бори-лаётган профилактик чора-тадбирлар билан та-нишиб чиқилди.

Жумладан, навбатчилик қисмидаги Вазиятлар мар-казида бўлиб, вилоятдаги чорраҳалар, аҳоли гавжум жойларга ўрнатилган ви-деокузатув камералари марказга интеграция-

лаштирилгани юқори ба-ҳоланди. Шунингдек, ИИБда ташкил этилган “102” автоматлаштирилган тизимнинг иш фаолияти кўздан кечирилди.

Мулоқот асосида ушбу тизимни тўлиқ автомат-лаштириш ва инсон омилини камайтириш ҳамда содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисала-рининг олдини олиш юза-сидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам кенг таҳлил қилинди.

Қолаверса, вилоятдаги хотин-қизлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг барвақт олдини олиш мақ-садида “қизил”, “сарик” ва “яшил” тоифага киритил-ган аёллар билан ўткази-лаётган профилактик чора-тадбирлар ҳолати ҳам кўриб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Жараён

Оролнинг қуриган қисмини яшил ҳудудга айлантириш ишлари давом этмоқда

Ёдингизда бўлса, Президент Шавкат Мирзиёев 2018 йилнинг 15-16 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига амалга оширган ташрифи давомида Орол денгизининг қуриган қисмида “яшил қопламалар” — ҳимоя ўрмонларини барпо қилиш, ҳудуддаги экологик ҳолатни яхшилаш, зарарли туз ва чанглар кўтарилишининг олдини олиш мақсадида бир қатор таклиф ва гоёларни илгари сурган ҳамда зарур топшириқлар берган эди.

Айтиш жоизки, ана шу ташрифдан сўнг ҳудудда кенг қўламли ишлар бошлаб юборилди. Ўтган даврда миллионлаб кўчат-лар ўтқазилди ҳамда чўл шароитига мос буталар уруғлари сепилди. Муҳими, бу саъй-ҳаракатлар айнаи чоғда ҳам изчиллик билан давом эттирилаётди.

Хусусан, шу кунларда Қорақалпоғистон Респу-бликаси Жўқорги Кенгеси Раиси Аманбай Оринбаев раҳбарлигида кўплаб аҳоли вакиллари иштиро-кида саксовул экиш ак-цияси бошлаб юборилди.

Унда Олий Мажлис Се-натининг Оролбўйи минта-

қасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбоса-ри Ботир Матуратов ҳам иштирок этди.

Шу ўринда Орол денги-зининг қуриган тубида “я ш и л қ о п л а м а л а р” яратиш мақсадида уруғ-ларни йиғиш ва ҳимоя ўрмонларини шаклланти-риш ишларида ҳар йили мингдан ортиқ техникалар, қичик авиация ва ишчи кучи қатнашаётганини таъ-кидлаш зарур.

Жорий йилда 300 минг гектар майдонда “яшил қопламалар” барпо қилиш режалаштирилган.

«Халқ сўзи».

Қонун ташаббускоридан — қуйи палатага

ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ҚУРИЛГАН УЙ-ЖОЙЛАРГА НИСБАТАН МУЛК ҲУҚУҚИ РАСМИЙЛАШТИРИЛИШИ МУМКИН

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган “Ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкалари ҳамда уларда қурилган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, 2018 йил-да Президентимизнинг тегиш-ли Фармониға мувофиқ ўтқа-зилган бир марталик умумдав-лат акцияси доирасида 621 минг нафардан ортиқ фуқароларнинг ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкаси-да тегишли рухсатномасиз қурилган уй-жойларға нисбатан эгалик ҳуқуқи эътироф этилиб, уларға кадастр ҳужжатлари рас-мийлаштириб берилган эди. Шунга қарамасдан, бугунги кун-ға қадар 126 мингдан зиёд фуқароларнинг рухсатномасиз қурилган уй-жойларға нисбатан эгаликни белгилаш масаласи қонуний ечимини кутмоқда.

Бундан ташқари, кўплаб ҳолатларда фуқароларнинг бог-дорчилик-узумчилик ширкатлари ҳудуддаги тураржойларға ҳамда кичик саноат зоналари ҳудудиға жойлаштирилган тadbиркорлик субъектларининг бино ва ин-шоотларига нисбатан эгалик ҳуқуқи мавжуд эмас.

Шундан келиб чиқиб, маҳал-лий давлат ҳокимияти органла-рининг қарорисиз ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкаси-да қурилган уй-жойлар, бошқа

бино ва ин-шоот ёки қўчмас мулк объектла-риға нис-б а т а н ҳуқуқни эътироф этиш асослари ва унинг аниқ тартибини белги-лаш зарурати мавжуд.

Қонун лойиҳаси билан ер участкаси ва унда қурилган имо-ратға бўлган ҳуқуқни, шунингдек, якка тартибдаги уй-жой қурил-ган ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасига ижара ҳуқуқини эътироф этиш тартиби белгиланмоқда.

Шунингдек, ортиқча эгаллан-ган ер участкасига, богдорчилик ва узумчилик ширкатлари ҳуду-дидаги тураржойлар эгаллаган ер участкасига ижара ҳуқуқини эътироф этиш асослари назар-да тутилган.

Бундан ташқари, ижара ҳуқуқи эътироф этилган ер участкаси-нинг ер фонди тоифасини ўзгартириш, қўчмас мулк объек-тиға бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтқазиш, ижара ҳуқуқи эътироф этилган ер участкасини хусусийлаштириш тартиблари ўз аксини топмоқда.



Аҳамиятлиси, лойиҳада ўзбо-шимчалик билан эгалланган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотларға бўлган ҳуқуқлар эътироф этилган тақ-дирда, ер участкасини ўзбошим-чалик билан эгаллаб олган шахс-лар маъмурий жавобгарлиқдан озод қилиниши кўзда тутилган.

Қайд этилишича, қонун лойи-ҳасининг қабул қилиниши фуқа-ролар ва тadbиркорлик субъект-ларининг ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкаларига нисбатан ижара ҳуқуқи ҳамда уларда қурилган уй-жой бошқа бино ва иншоот ёки қўчмас мулк объектларига нисбатан мулк ҳуқуқи расмийлаштирилиши учун ҳуқуқий асослар яратилишиға хизмат қилади.

Қонун лойиҳасининг муҳока-маси давом этмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА ТЎЛАҚОНЛИ ИШТИРОК ЭТИШ ИМКОНияТЛАРИ КЕНГАЯДИ

Авваллари жамиятимизда имконияти чекланган кишиларға давлат идоралари, давлат хизматчиларининг муносабати яхши эмас эди. Охири олти-етти йилда уларға муносабат ҳам, эътибор ҳам мутлақо ўзгарди, десак, асло янглишмаймиз.

Муносабат

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳоли, айниқса, кекса ёшдаги, ногиронлиги бўлган ва меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар-ни ҳамда етим ва ота-она қарамо-ғисиз қолган ёшларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ, иқтисодий қароли-ни таъминлаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бириға айланди.

Бир пайтлар “имконияти чеклан-ган кишилар” деган тушунча давлат ва жамиятнинг ногиронлиги борлар-ға бўлган тор, бир ёқлама муноса-батини ифодалаб келган бўлса, бу-гун қонунчилик ўзгариб, “ногирон-лиги бўлган шахслар” деган тушун-ча юзаға келди. Шу асосда давлат ва жамият ногиронлиги борларға им-конияти чекланганлар деб эмас, бал-ки шахс деб муносабатда бўлишға ўтди. Бу, ўз навбатида, унинг ҳуқуқлари тан олингани ва рўёбға чиқиши учун имконияти яратилаётга-нидан далолат беради.

Президентимиз раислигида

20 февраль куни ижтимоий ҳимоя соҳасидаги устувор вазифалар му-ҳокамаси юзасидан ўтказилган ви-деосесселектор йиғилишида ушбу ма-салаға алоҳида эътибор қаратилиб, “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” деган тамойилни ҳаётға табиқ қилиш, ижтимоий давлат таъбиқ-лининг таркибий қисми ижтимоий ҳимоя соҳасидаги устувор вазифа-лар муҳокама этилди.

Айтиш жоизки, ногиронлиги бўлган шахслар ижтимоий ҳимоя билан қамраб олиниши ва алоҳи-да эътибор қаратилиши лозим бўлган қатлам ҳисобланади. Шу-нинг учун ҳам сўнгги йилларда мамлакатимизда инклюзив жамия-ят яратиш, имконияти чекланган фуқароларимизни қўллаб-қувват-лаш, уларға зарур шароитлар яратишға катта эътибор қаратил-моқда. Хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашға қаратилган 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат-лар, “Ногиронлиги бўлган шахс-ларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида

конвенцияси эса ратификация қилинди.

Шу ўринда ҳақли савол туғил-ди: хўш, бугунги кунда ногиронли-ги бўлган шахсларнинг эркин ҳара-катланиши, ўз салоҳиятларини рўёбға чиқариш учун қанчалик им-кониятлар яратиб берилмоқда? Улар учун тўсиксиз муҳит яратиш бўйича амалга оширилаётган иш-ларнинг ҳолати қай даражада?

Албатта, ўтган қисқа даврда ушбу соҳада салмоқли ишлар ба-жарилди ва катта натижаларға эришилаётганини ҳам кўриб туриб-миз. Лекин пойтахтимиздаги мактаб, богча, шифохона, йўл, чорраҳалар-нинг 85 фоизи ногиронлиги бўлган шахслар ҳаракатланиши учун мос-лашмагани бу борада зарур чора-лар қўриши такозо этади. Чунки 2,5 мингта автобус бекатининг 2,3 мингтаси, 1 944 та автобусдан 920 таси ногиронлиги бўлган шахс-лар эҳтиёжига мос эмас.

Бу вазиятни ўзгартириш учун пойтахтимиздаги барча бекатлар-ни, жамоат транспорти, жумладан, метроногиронлиги бор шахслар учун мослаштириш бўйича икки йиллик дастур тасдиқлаш, бино ва иншоотларни қуриш лойиҳаси — ногиронлиги бўлганлар учун қулай муҳит яратилгани бўйича мажбурий экспертизадан ўтказишни амалиёт-ға киритиш таклифи этилди.

Амалиёт шуни кўрсатадики, но-гиронлиги бор шахсларни жамият-

ға интеграция қилишнинг энг са-марали йўли уларға таълим бериш, касб-хунарға ўргатиш ва бандли-гини таъминлаш саналади. Айнан шу мақсадда иш берувчилар, шу жумладан, тadbиркорларнинг ҳам ногиронлиги бўлган шахсларға му-носабатини ўзгартириш керак.

Корхона учун қўшимча муаммо яратадиган эмас, балки “унинг ри-ҳоватига ҳисса қўша оладиган шахс” деган тушунча жамиятда шаклла-ниши лозим. Гарчи ногиронлиги бўлган шахсларни ишға олган кор-хона ва ташкилотлар учун бир қатор имтиёзлар яратилган бўлса-да, фақатгина 500 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотларнинг бор-йўғи 43 мингтасида ёки 8 фоиздан ногиронлиги бўлган шахслар иш-лаши юқоридаги фикрнинг исботи, деб баҳолаш мумкин.

Бугун Ўзбекистон Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида конвенцияға қўшилиб, қўп мажбуриятлари ол-ган. Янги тахрирдаги Конститу-циямизнинг 57-моддасида эса меҳ-натга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида экан-лиги белгиланган. Шунингдек, дав-лат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг турмуш сифатини оширишға, жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун шарт-шароитлар

яратишға ҳамда уларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил ра-вишда таъминлаш имкониятлари-ни кенгайтиришға қаратилган чо-раларни қўриши мустаҳкамлаб қўйилган.

Шулардан келиб чиқиб, мамла-катимизда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ҳамда хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароит-лар яратилмоқда. Айниқса, улар-нинг ишға жойлашганида, таълим олишиға қўмақлашиляпти. Бу ҳар бир инсон қаерда яшаши ва иш-лашадан қатъи назар, кадр топи-ши, фаровон яшаши, орзу-мақсад-ларига етиши учундир.

Умуман олганда, йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан белгиланб берилган вазифалар ҳар биримизни янада ғафлорқ бўлиш-ға, ушбу соҳа ривож учун сама-ралли меҳнат қилишға ундайди. Шундай экан, устувор вазифалар-ни саъй-ҳаракатларимизни бир-лаштирган ҳолда бажаришимиз, бу борада самарали парламент назо-ратини кенг йўлга қўйиш ва сай-лов округларида ижтимоий ҳимоя тизими билан боғлиқ ҳолатлардан аҳолининг хабардорлик даражаси-ни ошириб боришимиз мақсадға мувофиқдир.

Нодир ТИЛАВОЛДИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Мушоҳада

ҲАВОЛАКИ НОРМАЛАР КЕРАКМИ?

Қонун ижодкорлиги — мураккаб жараён. Баъзида қонун ижодкорлиги фаолиятида у ёки бу қонидани қонунда тўғридан-тўғри ёзиш ёки бундай қонидани бошқа қонунчилик ҳужжатиға ҳавола этиш амалға оширилади. Бу — ҳаволаки норма, дейилади.

Ҳаволаки норма-лар бир неча кўри-нишда бўлади. Хусу-сан, ишлаб чиқиши керак бўлган субъект-ни аниқ кўрсатиб, масалан, “...тартиб Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгила-нади” тарзида ёки субъектини аниқ кўрсатмасдан “қонун-чиликда белгиланган тартибда...” тарзида кўрсатилади.



Ҳаволаки нормаларнинг хавфли та-рафи шундаки, бунда қонун ижодко-ри у ёки бу масалани тартибға со-лишни бошқа мансабдор шахснинг иштиёрида қолдиради. Шу боис мил-лий парламент сўнгги йилларда тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунлар қабул қилинишиға алоҳида эътибор қаратяпти. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Лекин барибир ҳаволаки норма-лардан тўлиқ воз кечиб бўлмайд. Масалан, айрим ҳолларда узун рўйхатлар, схемалар, суратлар ва бошқа шунга ўхшаш кўргазмалар тар-тибға солиш ишларини бошқа ҳуж-жатға ҳавола этиш мумкин. Масалан, асосий дори воситаларни рўйхатини қонуннинг ўзида белгилаб бўлмайд. Биринчидан, у жуда узун, иккинчи-дан, бу рўйхат тез-тез янгилашиб ту-рилиши керак. Шунинг учун ҳаволаки нормалар ҳам баъзида жоиз. Фақат унинг фарқиға боришимиз даркор. Яъни қонун даражасида белгилани-ши зарур бўлган қонидаларни қонунности ҳужжатиға ҳавола этмас-лик лозим. Бироқ яна бошқа муаммо мавжуд. Биз “керак” деб ҳисоблай-диган ҳаволаки нормалар ўз вақтида реализация қилинадими? Тасаввур этинг, қонун кучға кирди, лекин унинг ичидиға битта қоида ҳанузгача ме-ханизмиға эға эмас. Чунки у ҳаволаки бўлиб, амалда ишлаб чиқилмасдан қолган. Натижада қонун “жонсиз” бўлади, ишламай туради.

Парламент назоратининг алоҳида шакли сифатида Қонунчилик палата-сидаги қўмиталар қонунлар ижроси-ни таъминлаш учун қонунности ҳуж-жатларининг ўз вақтида қабул қили-ниши устидан доимий мониторинг олиб боради. Унинг натижаси бўйича соҳада қатор муаммолар кўтарилади. Яқинда Президентимиз томонидан имзоланган “Қонунларнинг ижти-

мой муносабатларни тартибға со-лишдаги ролини ҳамда норма ижод-корлиги жараёни сифатини янада ошириш бўйича қўшимча чора-тад-бирлар тўғрисида”ги қарор соҳадаги қатор масалалар ечимига қаратилган-ни билан аҳамиятлидир.

Биринчидан, 40 дан ортиқ ҳаво-лаки нормаларни амалға ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси тас-диқланиб, унда аниқ ижрочилар, аниқ муддатлар белгиланди.

Иккинчидан, жорий йилнинг 1 мар-тидан бошлаб, агар қонун лойиҳаси-да ҳаволаки норма бўлса, ўша қонун-нинг ўзида уни амалға оширишнинг аниқ муддати ва масъули белгилана-ди. Яъни энди шунчаки “қонунчилик-да белгиланган тартибда” деб ёзиш билан чекланиб бўлмайд. Ўша қонун-нинг ўзида “фалон ташкилот ушбу тартибни фалон вақтға қадар ишлаб чиқсин” деган қоида ёзилади.

Учинчидан, муайян қонидаларни қонунности ҳужжатидан қонун даража-сига кўтариш имкониятининг муҳока-ма қилиниши шартлиги белгиланиб, унинг натижалари қонун лойиҳасининг тушунтириш хатида акс эттирилади.

Тўртинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқишда жамоатчиликнинг кенг иштирокини таъминлаш ҳамда ҳужжатнинг халқ-чил бўлиши учун эндиликда муҳим иқтисодий-ижтимоий, сиёсий аҳами-ятға эға бўлган ҳужжат лойиҳаси фа-қатгина ишлаб чиқилгандан кейин эмас, балки ишлаб чиқишидан ол-дин жамоатчилик муҳокамасига қўйилади. Бу худди янги тахрирдаги Конституциямиз лойиҳаси қандай ишлаб чиқилган бўлса (лойиҳани тайёрлашдан олдин халқнинг фикри олинганда) ва шундан сўнг у умум-халқ муҳокамасига қўйилган эди), худ-ди шу тартибни бошқа қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқишда ҳам қўллаш таклиф этилмоқда.

Мухтасар айтганда, ушбу қарор қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштириш, қонунларнинг сифатини ошириш, бу жараёнда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш ва шу орқали қонунларда қўпроқ халқ манфаати акс эттирилишини таъминлашға хизмат қилади.

Жаҳонгир ШИРИНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси.

